

# ТОШКЕНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 28 (65904)  
1996 йил, 27 апрель, шанба

Сотувда  
эркин нархда

## Фақат яхшилик келар аёл кўлидан

### АДАБИЁТ МУАЛЛИМАСИ ОРОМИЖОН ОПА

«Халқ ижодиёти» тугараги утадиган хонага кириб келган Оромижон опанинг чехраси қувончдан ёришиб кетди. Сабаби, атлас куйлак, зангори бахмал нимча, душпи кийиб олган қизлар, беқасам чопонга белбоғ боғлаб олган угил болалар тарафма-тароф булиб олишган эди.

Шунда муаллиманинг ёдига узининг утган галги машгулотда берган топшириги тушди.

— Қани, «айтишув» кимдан? — шу тобдаёқ ҳакамликни бошлади устоз.

Уттиз йилдан буён Тошкентдаги 28-мактабда адабиётдан дарс бериб келаётган Оромижон опа Тошпулатова шу тобда шогирдларидан кунгли тулиб «балли» деди уларга.

Иқтидорли муаллима, олий тоифали ўқитувчи, она тили ва адабиёти ўқитувчилари методик бирлашмаси бошлиғи, «Халқ ижодиёти» тугараги раҳбаридир. Ҳозир тугарак аъзолари достонлардан парчалар, лапарлар, айтишувлардан иборат катта дастур тайёрламоқдалар.

Хона узра майин, дилларга аллақандай ором бағишловчи куй таралди. Ҳарир куйлак кийиб, қулларига оппоқ гулдасталар тутган қизалоқлар оҳиста қадамлар, нафис ҳаракатлар билан рақс бошлади.


### ФАРИДА ОПАНИНГ «ГЎЗАЛ»И

Ташқаридан кузатган одам кичик раққосаларнинг уйинига маҳлиё бўлиб «тасанно» деб юбориши тайин. Аммо Фарида опанинг синчков нигоҳи ҳаракатлардаги «нуқсон»ни дарров пайқайди. У икки кафтини бир-бирига секин уриб «тўхтанг» ишорасини қилди. Ҳамма бирданига таққа тўхтади.

— Қани, бошқатдан, шаҳдамлик билан, қадмингиздан ўт чақнасин, — деди у дон-дона гапириб. Кейин узи ҳам қул ва оёқ ҳаракатлари билан курсатди.

Тошкентдаги 132-мактабда ташкил этилган «Гўзал» рақс ансамбли раҳбари Фарида опа Ҳайдарова узининг истеъдодли раққоса эканлиги, жонкуярлиги билан барчанинг ҳурматини қозонган. Шунинг учун ҳам унинг шогирдларини «Фарида опанинг қизлари» дея алоҳида

табда ташкил этилган «Гўзал» рақс ансамбли раҳбари Фарида опа Ҳайдарова узининг истеъдодли раққоса эканлиги, жонкуярлиги билан барчанинг ҳурматини қозонган. Шунинг учун ҳам унинг шогирдларини «Фарида опанинг қизлари» дея алоҳида



эъзозлашади. Яқинда шаҳар мактаблари уртасида утказилган «Илҳом чашмалари» танлови голиби булган ушбу гуруҳни пойтахт туманларида утказиладиган кўрик ва тантаналарда

уз санъатларини намоиш этаётган ҳолда кўп учратиш мумкин.

**Р.АЛЬБЕКОВ**  
туширган  
суратлар.

### ҚИЛИЧБОЗЛИК СПОРТИ МУРАББИЙСИ ДИЛДОРА ОПА

Қиличбозлик машқига берилиб кетган икки усмир мураббийнинг иккинчи бор оғоҳлантиришидагина тўхтади.

— Яна такрор айтаман, сизлар беллашувни жангга айлантириб юбораяпсиз, қиличнинг баъзан пастлаб кетмоқда...

Устоз ёш қиличбозларга яна аллақанча усуллар курсатди, шошма-шошарлик спортчининг мағлубияти сабабчиси булиши ҳақида гапирди.

Ниҳоят узоқ давом этган тайёргарлик машқларидан сунг тренер болаларга «руҳсат» ишорасини қилди. Шу тобда

устоз ҳам, шогирдлар ҳам узларини аллақандай енгил, бардам ҳис қилишарди.

Қадимий спорт турларидан бўлмиш қиличбозликка қизиққан бу болалар пойтахтимидаги 18-усмирлар спорт мактабининг талабаларидир. Уларга ёш, иқтидорли тренер Дилдора опа Солиева устозлик қилмоқда. Айни кунларда талабчан тренер Тошкентимизнинг турли мактабларидан келган 50 нафардан ортиқ спорт ишқибозларига қиличбозлик сирларини ургатаяптилар.

### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ



#### ФРАНЦИЯДА СОҲИБҚИРОН ШУҲРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Францияга қилган расмий ташрифи давомида ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигида уюштирилган кургазма очилишида нутқ сузлади.

#### «ФОЛЬКЛОР — 96» КЎРИГИ

Халқимиз оғзаки ижодиёти ва тарихини урғаниш ҳар бир ўқувчининг бурчидир. Шунга кўра Андижон вилоятидаги 39 та мактаб уртасида ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди, Ватанимиз тарихи, Темурийлар ҳаёти ва фаолияти, ушбу давр фан ва маданияти ҳақидаги билимларини синан мақсадида «Фольклор — 96» кўриги ўтди. Бу борада уларнинг ҳар томонлама чуқур билимга эга эканликларини намоиш эта олган 2-мактаб ўқувчилари голиблик тожини

кийишди.

#### ЖАМБУЛДАН ХУШҲАБАР

Угил болалар орасида футболга қизиқмайдиган, узи севган командаси голиб чиққанида қувонмайдигани булмаса керак. Бундайлар учун Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида 16 ёшлилар уртасида утказилган ёш футболчилар мусобақасидан яна бир қувончли хабар келди. Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида утган бу беллашувда ўзбекистонлик ёш футболчилар 14 та туп киритиб, беллашув голиби булишди.

#### АЪЛОЧИЛАРГА ПУЛ МУКОФОТИ

Шаҳрихон шаҳридаги Сарой қишлоғида яшовчи тadbirkor Низом Мирзаахмедов шу ердаги 9-мактабнинг бешта аълочи ўқувчисига узининг хусусий корхонаси ҳисобидан ҳар ойда 2 минг сўмдан етишпенди бера бошлади. Уйлаймизки, бу мактабда энди аъло баҳоларга ўқиниш интилувчилар кўпаяди. Чунки пул олиш кимга ҳам ёқмайди дейсиз?!



Мактаб фаоллари зали укучилар, уқитувчилар ҳамда таклиф қилинган меҳмонлар билан гавжумлаша борган сари сахнага чиқишга ҳозирлик қураётган угил-қизларнинг, айниқса, она-тили ва адабиёт фани уқитувчиси Барнохон Маҳмадхужаевнинг ҳаяжонлари ортгандан-орта борарди. Ҳаяжонланмай буладими, ҳадемай соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кеча бошланади. Устозлари сценарий муаллифи, укучилар эса ижрочилар.

— Ҳаяжонланманг Барнохон, ҳаммаси яхши булади, — дея далда берган булди Санобархон Хасанова. — Бундай тадбирларни биринчи бор утказаетганингиз йуқ-ку, ахир! Соҳибқирон Амир Темурнинг сурати, угит ва тузиклари битилган плакатлар, ҳаёти, фаолиятига оид альбом ва китоблар билан безатилган сахнага шохона либослардаги угил-қизлар чиқиб келишди. Улардан бири Мурод Исмоилхужаев



Амир Темур тимсолида. Нигоҳлари уқтам, одимлари шахдам, қошлари бироз чимирилган, хаёли қандайдир ташвишли уйлар билан банд. Вазирига қарата салмоқлашиб суз бошлайди:

— Илм-фан билан машғул булиш эҳтимол менга насиб булмас.

— Ундай деманг олампадох.

— Рости шундай. Қаранг, салтанатимизнинг поёни йуқ. Ишимиз ҳам куп. Мақсадим боғу роғлар барпо қилмоқдур.

— Олампадох, Самарқанд дунёга танилмоқда. Боғларимизгусе жаннат.

— Самарқандим! Ягона шахрим. Агрофидаги қишлоқларга Дамашқ, Бағдод, Париж дея ном бердим.

— У ерлар гоят обод булди, олампадох.

— Она шахрим Кешдаги Оқ саройчи. У ниятимиз каби покиза. Бугунги шон-шавкатимизга шубҳа қилганлар, бориб курсинлар. Замонлар утар, биз қурган иморатларни қурган авлодлар «бузган эмас, қурган» десин Темур бобомиз!

Дарҳақиқат, кураги ер искамаган саркарда, йирик давлат арбоби, нотик, қонуншунос, иқтидорли меъмор, руҳшунос, Туркистон деб аталмиш юртнинг соҳибқирони Амир Темур юз йиллардан буён муғуллар зулмидан азоб чекаётган халқини узининг зукколиги, ақл-идроки билан душман қулидан озод қила олди, Моварауннахрда марказлашган буюк давлат барпо этди.

Амир Темур. Темурий шахзодалар. Амир Темур авлодларини катта, буюк, илдизлари бақувват азим чинорга қиесласак, хато булмайди. Уларнинг ҳар бири узга бир олам.

Уқувчиларнинг бирлари Улугбек, бирлари Али Қушчи, бирлари Хусайн Бойқаро, бирлари Алишер Навоий, яна бирлари Бобур Мирзо, бирлари Хон-

## НОМИНГИЗНИ ЁД ЭТДИК, БОБО!

дамир тимсолида сахнага чиқдилар. «Темурийлар сулоласи» номи сахна қуринишида Амир Темур ва унинг авлод-аждодлари хусусида билганларини ҳикоя қилишди. Улугбек узининг умидли шоғирди Али Қушчига қарата суз қотади:

— Бобом Амир Темур шуҳратига шуҳрат қушиш менга насиб қилмади.

— Йуқ, ҳазратим, сиз буюк давлатгина эмас, балки сирли осмон томига ҳам нарвон куйдингиз. Давлатингиз агрофига олиму фозилларни тупладингиз. Расадхона барпо этдингиз. Бой кутубхона ташкил қилдингиз. Мен каби шоғирларингизга сиз туйфайли ризиёт илми билан шуғулланиш насиб этди.

— Қурьони каримда «Ҳар бир мусулмон илм олиши шарт» деб ёзилган. Менинг «Зижи Курагоний»имнинг ёзилишида сенинг ҳам хизматинг беқиесдур.

— Асрлар утар. Авлодлар Темур набираси номи билан сайёралар, юлдузлар номини атай бошларлар.

— 40 йил Самарқандда ҳокимлик қилдим. Подшоликлар емириллар, аммо олимларнинг хизмати мангу қолади.

Аёл! Сенинг қалбингда шох ҳам, гадо ҳам бир. Ҳаммаси сенинг муҳаббатинг қаршисида таъзимда-

дир. Шундан булса керак, Амир Темур Кешда онаси Некуз биби шарафига, Самарқандда Бибиҳоним шарафига сарой қурдирган. Бобур шох онаси Хонзодабегим шарафига қуролмаган саройни асрлар она Шохжаҳон барпо этган. Зеро, салобату рутубат билан савлат тукиб турган Тожимаҳал қанча қанча замонларнинг жонсиз гувоҳидир.

Саҳнада майин куй таралади.

Ассалом бобожон, буюк саркарда,

Қошиндан ута-миз ҳар субҳидам чоғ.

Сен эса ҳаминша тиксан эгарда, Шарқнинг уртасида турибсан уйғоқ.

Тушларимда сабоқ берарсан ҳар кун,

Исминг-ла тил топар гудаклар ҳар тонг.

Эл қаддин тиклади сен тугилган кун,

Юракдан жой бердик, эй соҳибқирон! дея куйланади Шохсанам Холиқова ижро этган «Бобожоним осмоним» қушигида.

Ушбу тантана маънавий тафаккури, камолоти утмишдаги улугларимиз маданий мероси билан чамбарчас боғлиқ, қалби Ватан озодлиги боис гурурга тула халқимиз фарзандларининг соҳибқирон боболари руҳига ҳурмат ва иззатлари тимсолидир. Зеро, келажаги буюк давлат қуришга бел боғлаган элимизнинг теран томирлари ана шу маънавий мерос сарчашмаларига бориб тугашади, ундан мадад олади.

Кеча якунида ишгирикчилар бирма-бир суз олишди: Биз Ватанимизни дунёга танитишга, фан, техника, маданиятни юксалтириш ишига уз ҳиссамизни қушмоғимиз лозим. Чунки биз буюклар яшаган заминнинг фарзандлари,

Темурнинг аждодларимиз.

Уқувчиларининг чиқишларини меҳр билан кузатаётган мактаб директори Ҳавохон опа Ҳамедова-



нинг нигоҳларидан ҳам, кечага меҳмон булиб келган шаҳар, туман халқ таълими булими ходимлари, «Беруний» маҳалласи оқсоқоли, ТошДУ, ТошМИ олийгоҳлари уқитувчиларининг олқишларидан ҳам биргина мазмун — фарзандларимизнинг ҳозиржавобу дадилликлари, билимдону зукколикларидан фахр ва ифтхор туйғусини уқиш мумкин эди.

**Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Нилуфар ДАВИДОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
249-мактаб.**



## ҲАЙИТИНГ МУБОРАК, БОЛА ЖОН!

*Эрта тонг сахарлаб айтилар азон,  
Тўлдириб масжиднинг меҳробларини.  
Жойномоз қошида сизни кўрган он,  
Айтгим келар кўнгил армонларини...*

Болажон, сизни бугун муборак кунлар билан қутлагим келади. Қалбингизда исломий шамс валинеъмат булиб, мусулмонлик йулида камол топаётганингиздан шодланаман.

«Ривоят қилишларича, дунёдан ўтган 120 нафар пайғамбарлардан бири Иброҳим пайғамбарга Оллоҳдан ваҳий келибди: «Эй Иброҳим, ўзининг энг яхши кўрган нарсангни Тангри йўлига бағишла!»

Иброҳим ўйлаб-ўйлаб, охири ўзининг энг суйгани, азизи ўғли Исмоил эканлигини англабди. Ва Исмоилни онасига ювинтириб-тараптириб, чиройли кийинтиришни, уни ўйнатиб келишга олиб боришини айтибди. Ота-бола тонг сахарлаб йўлга тушибдилар. Йўлда кетаётганларида Иблис Исмоилга отаси уни Оллоҳ йўлига қурбонлик қилиш учун олиб кетаётганини айтиб қўйибди. Шунда ақлу-фаросатли Исмоил: «Агар отам мени тангри

йўлига қурбон қилса, битта жоним экан-ку, минг жоним бўлса ҳам беришга тайёрман» деб жавоб қилибди. Ота-бола баланд бир тоққа чиқишибди. Шунда отасининг мақсадидан воқиф бўлган Исмоил, «Отажон, менинг кўзимни боғлаб, сўнг пичоқ тортинг. Яна жон аччиғида кўзингизга тик боқиб қолмай» дебди.

Иброҳим пайғамбар ўткир пичоқни олиб, Исмоилнинг бўғзига тирабдилар, лекин пичоқ ҳадеганда кесавермабди. Охири тўлиб турган Иброҳим пайғамбаримиз: «Эй, лаънати пичоқ, кессанг-кеса қолмайсанми, боламни қийнаб юбординг-ку» деб жаҳл билан пичоқни ерга отибдилар. Шунда ўткир тиг тошга тегиб, тошни иккига бўлади. Пичоқ тилга кириб: «Сен кес, дейсан, Оллоҳ эса кесма, деб буйруқ қилди. Мен Оллоҳга бўйсунаман-ку, ахир» дебди... Шунда Тангридан ваҳий келиб, Ироҳим пайғамбар Оллоҳ синовидан ўтганликлари, ихлослари чин эканлиги билдирилади ва жаннатдан қўй чиқиб келади. Шундан буён Ийд Ҳайитида жонлик, қурбонлик қилиш расм бўлган экан».

Жума номозидан Ийд қурбон ҳайити тафсилотлари ҳақидаги ривоятни эшитиб, тўлқинланиб менга ҳам гапириб берганингизда қалбим

шукроналикдан орзиқди, болажон!

Чунки сиз ҳозирданок англаб етган ҳақиқатни — дунё тан олган донишмандларимизнинг устивор ақидалари, боқий ҳақиқатларини биз, 70-80 йиллар авлодлари энди-энди тўғри англаб стаяпмиз. Ислоннинг илдизи Маккаи Мунавварада, унинг ҳосили Моварауннахрдадир, дейишади донишмандлар. Зеро, юртимиздан Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абу Довуд, Муслим, Алишер Навоий, Амир Темур каби бир қанча фозилу алломалар етишиб чиқмишлар.

Эзгуликнинг чеки йуқ, дейдилар. Уқибурганиш ҳам чек-чегарасиздир. Лекин барибир «Ешликда олган билим, тошга уйилган нақшдир» деб бежиз айтилмаган. Болажон, илойим савобу поклик йулига қуяётган қадамларингиз қутлуг булсин. Имон-эътиқод уруғлари илдиз отаётган қалбингиз фақат эзгулик билан тулиб-тошсин!

*Омонлик тилайман бошларингизга,  
Еш қўшила борсин ёшларингизга.  
Халқим хизматида бори бўлингиз,  
Белдаги белбоғу ори бўлингиз!*

**Саида ЗОКИРОВА,  
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур  
туманидаги 141-мактаб ўқитувчиси.**



Богда чумчуқларни қийратар мушук,  
Сен мушук бўлмагин, одам бўл болам.  
Йўлда мушукларни қийратар кучук,  
Сен кучук бўлмагин, одам бўл болам.  
Хўрозлар уришар хурлайганича,  
Сен хўроз бўлмагин, одам бўл болам.  
Дунёда носозлик бор яна анча,  
Сен носоз бўлмагин, саз бўлгин болам,

деб ёзган эди сеvimли шоиримиз Азиз АБДУРАЗЗОҚ. Шоир билан инсонийлик ҳақида суҳбатлашдик:

— Болалик жуда тез ўтади, — дейди катталар. Аммо, болалар учун болалик кунлари узун, тунлари қисқадек. Сиз шу ҳақда ўйлаганмидингиз?

— Ҳақиқатан ҳам болалик жуда тез утиб кетди. Лаҳзалик шамол каби утди. Усмирлик ҳам, йигитлик ҳам шундай утди. Мана қариллик ҳам тез утаяпти...

Аммо болалик кунлари узун, тунлари қисқалиги ҳақида ўйламаган эканман. Болаликда кўп нарсаларни ўйламаймиз-да.

— Тенгқурларингиз, орзулари, мавзулари, сиз билан бир хил сафдошларингизни эсласангиз.

— Тенгқурларим, сафдошларимнинг орзу-умидлари, ниятлари яхши эди. Бахтли келажакка ишонар эдилар. Жумладан, мен ҳам ишонар эдим. Адабий тил билан айтадиган булсам, ҳаммамиз ҳам купинча некбин, яъни оптимист эдик.

— Улардаги тоқат, ирода ва қийинчиликлардан чўчимаслик-чи! Тўғри яшаганмиди, улар сизнингча?

— Сабр-тоқат, чидам бор эди бизда. Тўғри яшайпмизми, деб ўйлар эдик. Аслида эса кўп ишларимиз нотўғри, ҳатто куфрдан иборат экан.

— Болаларни кузатасиз. Болалигингиз қайтиб келса қандай яшаган бўлардингиз?

— Болалик қайтиб келмайди. Буни ҳамма ҳам билади. Агар буюк бир муъжиза юз берса-ю дунёга қайтадан келиб қолсам, болалигим яхши утарди. Бувиларимнинг гашига тегиб, ранжитмас эдим. Ота-онамнинг, устозларимнинг ҳар қандок буйруқларини қонун деб билардим. Кучуқларни урмас эдим, мушукларни қийнамас эдим, тилла кўнғизларнинг орқа оёғига ип боғлаб учирмасдим. Шу уринда бир шеърим ёдимга тушиб кетди:

Тилла кўнғиз, тилла кўнғиз,  
Гулзоримга келақол.  
Гулга қўниб, гулшарбатин  
Шимиб-шимиб олақол.  
Уйкунг келса шунда ухла,  
Гул ичида қолақол.  
Боғим очик, боғим очик,  
Қўриқчим йўқ, итим йўқ.  
Сени тутиб боғламайман,  
Қўлларим бўш, ипим йўқ.  
Тилла кўнғиз, тилла кўнғиз,  
Сира қўрқмай келақол.  
Сени жуда соғинганман,  
Менга ўртоқ бўлақол.

Шундай қилиб болалигим қайтиб келса, ёки дунёга қайтадан келиб қолсам, эсимни танибоқ, номоз ўқишга киришардим. Хуллас, савоб ишларнинг ҳаммасини бажаришга уринар эдим.

— Газетамизни қачондан бери ўқийсиз?

— Бу газетани 1936 йил-

майдилар. Ахир ўтмишда утган пайгамбарлар, авлиёлар, суфийлар энг сеvimли қахрамонларимиз эмасдилар? Улар кўрсатган тўғри йўлдан борсак, аллақачон олам гулистон бўлиб кетган буларди-ку.

— Умр ўткинчилиги ҳақида

кўп ёзишади. Сиз ўткинчи ҳаётдан унумли улуш олиб қолиш учун бир сўз билан нима қилиш кераклигини айта оласизми?

— Тўғри, умр ўткинчи. Умр жуда ҳам қисқа давр. Оллоҳ сўзи билан айтадиган булсак,

бу дунё ҳаёти бир соатлик ҳам эмас. Шу ўткинчи умрдан унумли улуш олиб қолиш учун фақат яхши, хайрли амаллар қилмоғимиз шарт.

— Боболар, момолар руҳи қўлласин, — деб дуо қилганингизда кимларни назарда тутасиз?

— Мен боболар, момолар руҳи қўлласин, деб дуо қилганимни эслолмайман. Фақат Оллоҳ қўлласин, деб дуо қиламан. Боболар ва момоларга келсак, мен ҳар куни намозда Қуръон тиловат қилиб, савобини уларга ҳам бағишлайман. Чунки уларнинг руҳлари ҳаммиша биз билан бирга.

Азиз бобомиз шундай деб бизга «Туябоп» деган эртақ айтиб бердилар. Марҳамат эшитинг.

билан, саҳродаги янтоқ билан тирик-да.

Туябоп гапга тушунгани билан узи гапиришни билмас экан. У узича ичида ўйлар эмиш: «Майли, саҳрога етганимизча чидайман. Қирқ кунгача оч юра оламан. Уркачимдаги ёғим эриб тамомам булгунича чидайман. Бироқ сувсизликка чидашим қийин... Йўлда сув учраб турса булгани...»

Қозоқ амаки Туябоп зерикмасин деб ашула бошлаб юборибди. Бироқ унинг ашуласи саҳродагидай яхши чиқмабди. Яхши жарангламабди. Узоқ-узоқларга тарқалиб кетмабди. Буни Туябоп ҳам сезибди.

Шундай қилиб, улар саҳрога етишиш умидида йўл юришибди, йўл юришса ҳам мул юришибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз юришибди. Бироқ ҳеч қасерда бир парча ҳам саҳро курилмабди. Шундоқ булса ҳам улар яна йўл юришда давом этаверишибди.

Улар саҳрони топишибди-ми деб сўрарсизлар. Бу саволингизга жавоб беролмайман, болажонлар, қизалоқлар. Афсуски улар саҳрога етишдиларми, йўқми, бундан мен ҳам бехабарман. Бироқ уларнинг саҳрога, янтоққа етиб олишларини жуда-жуда истар эдим...

### Болаликка содиқ инсонлар



дан, яъни 60 йилдан бери ўқийман. У вақтларда номи «Ленин учқуни» бўлиб, лотин алифбосида босилар эди. «Жийдазор» деган энг биринчи шеърим ҳам 1949 йил октябрь ойида мана шу газетада босилиб чиққан эди. Шу боисдан ҳам мен «Тонг юлдузи» газетасидан жуда ҳам миннатдорман.

— Бозор болаларига тилақларингиз?

— Бозор болаларига яхши тилақларим куп. Аввало удар мактабда яхши ўқисинлар. Иккинчидан, мусулмонча савдототиқни ургансинлар, закотдан қочмасинлар. Учунчидан, намозни тарк этмасинлар. Туртинчидан, ёлгон гапирмасинлар. Қуръонда оят бор: «Ёлгончиларга Оллоҳнинг лаънати ёғилади», дейилган.

— Бир сўзлиман, деб қатъиятлиман деб, ота-оналари сўзини ҳам рад этадиганларга қандай қарайсиз?

— Ота-оналарининг сўзини рад этадиганларга ҳам газаб билан, ҳам ачиниш билан қарайман. Нега ачинмай? Ахир уларни Оллоҳнинг қаттиқ азоблари — жазолари кутаяпти-ку!... Афсуски, буни кўп болалар, ҳаттоки катталар ҳам билмайдилар.

— Болаларнинг сеvimли қахрамонлари: интилиш, ошиқшилари фақат — ўшаларгагина бўлган — идеал одамлари йўқ, назаримизда. Сиз қандай ўйлайсиз?

— Болаларнинг сеvimли қахрамонлари жуда ҳам кўп. Бироқ кўпчилик болалар, ҳаттоки катталар ҳам уларни бил-

Бир бор экан, бир йўқ экан, яқин-яқин замонларда бизга яқин томонларда бир саҳро булган экан. Саҳронинг энгинасида бир кичик ва шўх дарё булган экан. Уша дарё ҳозир бор эмиш, ҳозир ҳам шўх эмиш. Аммо ёнидаги саҳро энди йўқ эмиш. Нега дейсизми? Буни ҳозир сузлайман. Гоҳ сузлаб, гоҳ бутадай бузлайман.

Уша яқин замонларда уша саҳро ёнидаги дарё ёнида яккаю ёлғиз битта ўтов булган экан. Уша яккаю ёлғиз ўтовда бир қозоқ амаки яккаю ёлғиз яшар экан. Унинг узидай яккаю ёлғиз бир туяси булган экан. Қозоқ амаки уни доим «Бутам» деб эркалаб гапирар экан. Туябоп ҳам гапга тушунар экан. Чунки у ақлли Туябоп экан-да.

Туябоп «лоп-лоп-лоп» қилиб юрар экан. Устида тоғ чуққисидай битта уркачи бор экан. Ҳар лопиллаганида уркачи гоҳ унғ томонга, гоҳ чап томонга эгилар экан. Ушанда уркачини қоплаб олган кўнғир рангли юнғлари баҳайбат елпиғичдай селкиллаб-селкиллаб, ҳавода шамол

пайдо қилар экан. Бундан Туябопнинг узи ҳам завқланар экан. У шундай маза қилиб янтоқ еб юрганида саҳронинг баракаси уча бошлабди. Аввал саҳрога қаёқдандир бинокор ишчилар келишиб, узлари учун кичик-кичик омонат уйчалар қуриб олишибди. Кейин уша уйчаларнинг ичига кириб олишибди. Ундан кейин машиналарда Туябопнинг тушига ҳам кирмаган алланима балолар етиб келаверибди, етиб келаверибди. Уларни ишчилар машиналардан ерга тушираверибди, тушираверибди. Бутун саҳрони кулоқни қар қилгудай шовқин-сурон босиб кетибди. Ишчи амакилар баланд-баланд иморатлар қура бошлашибди. Борган сари саҳро торайиб-торайиб, Туябоп ейдиган бир туп ҳам янтоқ қолмабди. Шунда қозоқ амаки утовини йиғиштириб, Туябопнинг устига ортибди-да, «ҳайё-хув» деб боши оққан томонга кетаверибди. У Туябопни етаклаб борар экан, унга далда бермоқчи булибди:

— Хафа булма, Бутам, — дебди у йўлда кетаётиб, — «Юрган — дарё, утирган — буйра» дейдилар. Юраверсак, юраверсак, бирор саҳрони топиб олармиз. Яна ишимиз юришиб кетар.

Қозоқ амаки Туябопга ёқадиган гапни айтган экан. Ахир Туя зоти саҳро




### ТАХРИРИЯТДАН:

Болалар, сеvimли ижодкоримиз Азиз Абдураззоқ бу эртақлари билан нима демоқчилар? Эҳтимол, сизнинг ҳам кўнглингизда шунга ўхшаш ширин соғинч, ўзига хос орзулар бордир? «Эртақдан эртақка» рубрикаси остида сиз ёзиб юборган фикрларни баён қилиш ниятидамиз. Ёзинг, хатларингизни кутамиз.

Саҳифани А.Абдуғаппоров тайёрлади.





**Зафар Пардаев** шеърят шайдоси. Болалигидан кўзига нимаки яхши кўринса, шу нарса ҳақида шеърлар қоралаб юрарди. Ургул туманидаги 36-мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам фурсат топди дегунча, шеър ёзарди. Пинҳона ёзиб юрган шеърлари тўпламини адабиёт ўқитувчисига кўрсатди. Устозига Зафаржоннинг шеърлари маъқул бўлди, овоз чиқариб синфдошларига ҳам ўқиб берди. Шундан кейингина Зафаржон шеърини машқларини «Тонг юлдузи»га юборишга аҳд қилди. Куйида Зафаржон Пардаевнинг шеърларидан намуналар ўқийсиз.

### БИЛИБ КҮЙ

Билиб босгин қадамни,  
Тониб дўст бўл одамни.  
Афсус қилмасдан олдин,  
Ғанимат бил ҳар дамни.

Минг-минглаб бўлса кўйинг,  
Ётса осмонга бўйинг.  
Ташлаб кетмасян дўстинг,  
Кетса агар обрўйинг.

Юрмай десанг хор бўлиб,  
Очликдан озиб, сўлиб.  
Ёмонларга дўст бўлма,  
Яхши инсонлар туриб.

### ГУНОҲИ НЕ ЕТИМ-ХОНА БОЛАСИН?

Ширин кулча нималигин билмайди,  
«Она» деган сўзга тили келмайди,  
Етимхона энигидан жилмайди,  
Гуноҳи не етимхона боласин?  
Ташлаб кетган бўлса отаси водон,  
Ахир бор эди-ку, она меҳрибон.  
У ҳам юз ўтирди, кетдилар ҳар ён,  
Гуноҳи не етимхона боласин?  
Оналари бошларида парвона,  
Лекин бўлинолмас улар ҳеч она.  
Жавдираб боқадди гўдак ҳар ёна,  
Гуноҳи не етимхона боласин?  
Нечун ташладингиз ўз болангизин,

Умрингиз кўркини, соч толангизини,  
Кўзингиз қароси, дил порангизини,  
Гуноҳи не етимхона боласин?  
Кулоғи қар эмас, кўр эмас кўзи,  
Чиройли сочлари, кўркемдир юзи,  
Таллари бийрондир, шириндир сўзи,  
Гуноҳи не етимхона боласин?  
Шундайлар бор экан жаҳонда,  
Қадр-қиммат йўқолади инсонда,  
Етимларнинг сони ортар, камаймас,  
Гуноҳи не етимхона боласин?...



### ОНАЖОН

Онажоним онажон,  
Бағрингиз олам жаҳон.  
Меҳрингиз гуё қуёш,  
Сиздан олиб қур, оташ.  
Нурланади истиқбол,  
Истиқболли истиқлол.  
Меҳрибоним онажон,  
Сизга меҳрим бир жаҳон.

### КЕМАЧАМ

Кемачам, ҳой кемачам,  
Сузасан узоқларга.  
Хаёлимни угирлаб,  
Шошасан қаёқларга?  
Денгизларми маконинг,  
Мул йўл босиб, қайт изга.  
Балки олам эртагин,  
Сузлаб келарсан бизга.



Умид МАДАМИНОВ,  
Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги  
19-мактабнинг 8-«Б» синф ўқувчиси.

### Ибратли ривоят

Самарқандда бир Али деган камбағал меъмор булган экан. У бир-биридан гузал иморатлар қураётган эди усти кийимга, қорни нонга тўймас экан.

## Нон севири

Кунлардан бир куни Али қаттиқ касалга чалиниб, ётиб қолибди. Табибларга курсатибди, шифо топмабди. Фолбинларга фол очирибди, бўлмабди, кўшночларга фол очирибди, тузалмабди.

Табиблардан бири Алининг узи қурган томга олиб чиқишни маслаҳат берибди. У ерда ётса, балки дардига даво топар деган гап қилибди. Алининг дўстлари уни узи қурган томга олиб чиқиб қўйишибди. Али у ерда кундузи осмон билан кунга, кечаси ой билан юлдузга қараб ётаверибди.

Кунлардан бир куни шаҳарга қароқчи угрилар бостириб келишибди. Шу шаҳарлик бир косиб Маърифат деган ҳуснижамолда тенги йўқ қизини улардан яшириб томга олиб чиқиб қўйибди. Томда касал ётган Алининг димоғига ёқимли ҳид кириб,

анча-мунча энгил торта бошлабди. Бунинг сабаби, Маърифат олиб чиққан қоғда онаси ёпган Самарқанд нони бор экан-да. Алига нондан берибди. Нондан еган Алининг кучига-куч қушилиб, касали ҳам шифо топа бошлабди. Маърифатда Алига нисбатан илиқлик пайдо бўлибди. Али ҳам Маърифатга меҳр қўйибди. Бу илиқлик, меҳр бориб-бориб ишқ-муҳаббатга айланибди.


Али аста-секин тузала бошлабди. Бу орада шаҳар қароқчи-угрилардан ҳам халос бўлибди. Кейин Али ҳам, Маърифат ҳам томдан тушишибди. Иккови бир-бирини қаттиқ севиб қолишибди. Туй қилиб, оила қуришибди. Али қайтадан куч-қувватга кириб, янгидан-янги гузал, чиройли бинолар қураверибди.

Маърифат бўлса, бир-биридан чиройли, ширин нонлар ёпаверибди. Али қурган биноларнинг донги оламга тарқалган бўлса, Маърифатнинг сергаъм, маъзали нонларининг донги етти иқлимга кетибди. Шундай қилиб, Самарқанд нони икки ёшни бир умрга қовуштириб, тинч-омон ҳаёт таъмин этиб, мурод-мақсадига етказибди. Али ҳозир ҳам кўркем бинолар қураётмиш. Ишдан ҳориб, чарчаб келса, Маърифат иссиқ нон билан кутиб олармиш. Қуёшдан нусха олган нон Маърифат ва Али қалбини ҳамон бирлаштириб турармиш.

Ашурали АХМЕДОВ

### ШИФОКОР НИНАСИ БИЛАН

Медицина нинаси билан нафақат беморларни, балки эскириб, титилиб кетган китобларни ҳам даволаш мумкин экан. Махсус елим ёки белок билан қанд аралашмасини китобнинг йиртилган варақлари орасига нина билан пурқаб, ушбу саҳифалардан қайта фойдаланиш тежамкорлик узаниди. Шундай тажрибани илк бор италян биохимики Марво Пинсути синовдан утказган эди. Тажриба узининг ижобий натижасини берди. Нина ёрдамида жуда қушлаб китобларга «иккинчи ҳаёт» бағишланди.



### Бу ажиб дунё



### МУСИҚАНИНГ СЕҲРИ

Майин ва ёқимли муסיқа салоларини фақат одамларгина эмас, ҳатто усимликлар ҳам ёқтиришар экан. Япон мутахассисларининг текшириш натижалари бунинг исботлай олди. Кун давомида 15 дақиқа Бетховен, Чайковский ва Вилланднинг муסיқалари янграганда олма ва мурч каби усимликлар усин меъридан 3 барабар қур усар экан. Нима учун шундай бўлади?

Усимликларнинг кулоғи ёки эшитиш қобилияти йўқ. Аммо илм аҳли жумбоқнинг сабабларини аниқлашга қиришдилар. Уларнинг таъкидлашларича майин муסיқа тўқинлари оромбахш оҳанги билан усимликларни эркалайди ва уларнинг ривожига уз таъсирини кўрсатади. Ажабо, саъят сеҳри неларга қодир-а?!

Туркчадан Чориёр ГҮРТКИЛИЧЕВ таржимаси

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир  
Умида АБДУАЗИМОВА

АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙҮЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Бурутма — Г-0198. 7691 нускада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топширилган вақти 19.00. Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
Маъзилар: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.

Телефон:  
33-44-25

